КВАДРАТ-УЯЛАБ ЧИГИТ ЭКИШДА АНДИЖОНЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 85 (1863) | 28 апрель, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

Суратда: Андижонликлар Тошкент аэродромида. М. Комлев фотоси.

Аҳолини хилма-хил сабзавот билан мўл-кўл таъминлайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш-дан бўлак мақсади йўқдир. КПСС Марказий Комтети январь Пленумининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгилаб берган оқилона тадбирлари халқ бахт-саодати ва роҳат-фароғати тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг янги ёрқин далилидир.

Партиямиз Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан руҳланган областимиз сабзавотчилари ҳам шаҳар меҳнаткашларини йил бўйи янги, арзон тўкин-сочин сабзавот, картошка ҳамда полиз маҳсулотлари билан етарли таъминлаш учун курашга астойдил белбоғлаб киришдилар. Улар эл дастурхонини хилма-хил нознӗматлар билан безаш ва шаҳарлик биродарларни деҳқон меҳнатининг баракали ҳосилидан баҳраманд килишни ўзларининг шарафли бурчи деб билмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўпгина илғор хўжаликлар бу йил сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш мақсадида эртаги экинларни яхши тайёрланган ерларга ўз вақтида экиб-тикиб олдилар. Эндиликда улар асосий эътиборни барвақт экилган сабзавотни парвариш қилишни кучайтиришга, ўртаги ва кечки экинлардан юқори ҳосил етиштириш учун тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишга қаратмоқдалар.

Ўтган йили картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил олган Калинин районидаги генерал С. Раҳимов номли, Оржоникидзе районидаги Ленин номли ва бошқа бир қатор колхозларнинг аъзолари бу йил ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу хўжаликларда парник-теплица хўжалигининг яхши йўлга қўйилганлиги, механизациядан унумли фойдаланилганлиги, агротехника қоидаларига тўла амал қилинганлиги эртаги экинларни планда белгиланган майдонларга тез ва сифатли экиб олиш имкониятини берди. Ҳозирги вақтда бу колхозларнинг кузда шудгор қилиниб, кафтдек текисланган бўрсилдоқ ерларида карам, сабзи, помидор, пиёз ва бошқа эртаги экинлар қуйф уриб ўсаяпти.

Бироқ, областимиздаги ҳамма колхоз, совхозларда ҳам картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Сабзавот етиштирувчи баъзи район ва кўпгина колхоз, совхозларда эртаги экинларни экиш муддати ҳатто ўтган йилга нисбатан ҳам кечиктириб юборилмоқда. Тўла гектар учун кураш олиб борилмаётир. Ўтган йили етарли миқдорда уруғлик ғамлаб қўймаган хўжаликлар эса, эндиликда уруғлик йўқлигини важ қилиб кўрсатмоқдаларки, бу сира тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Чунончи. Бўстонлиқ ва Калинин районларидаги колхоз, совхозларнинг кўпчилигида картошка уруғи етишмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Бўстонлиқ район колхоз, совхозларида, эртаги картошка ва сабзавот экиш айниқса кечиктирилмоқда. Район бўйича пландаги 1040 гектар ўрнига эндигина 140 гектар картошка, 1083 ўрнига 390 гектардан салгина ортиқ сабзавот экилган. Экишда техника ва ишчи кучларидан ёмон фойдаланилмоқда. Областнинг сабзавот етиштирувчи асосий районларидан бири ҳисобланган Оржоникидзе районида шу вақтга қадар пландагига нисбатан 1600 гектар картошка, 1250 гектар сабзавот кам экилган. Агар аҳвол шундай кетаберса, олинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилиш тақдири ним ма бўлади? Бундан сабзавот етиштирувчи район, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми кўрсатмаларини муваффақиятли бажариш ва аҳолини йил бўйи сабзавот маҳсулотлари билан етарли таъминлаш манфаатлари баландпарвоз ваъдаларни эмас бу экинлардан юқори ҳосил етиштиришни талаб қилади. Шундай экан, мавжуд камчиликларни узил-кесил бартараф қилиб, эртаги картошка ва сабзавотни белгиланган муддатда тез, сифатли экиб олиш, меҳнаткашларни бутун йил давомида арзон, хилма-хил маҳсулотлар билан таъминлаш сабзавотчиларимизнинг муқаддас бурчидир.

Бу йил областимиз колхоз, совхозларида 220 минг тонна сабзавот, 160 минг тонна полиз маҳсулоти ва 150 минг тонна картошка етиштириши керак. Гектарларнинг тўла бўлиши учун кураш, деҳқончилик маданиятини ошириш, механизациядан унумли фойдаланиш, илғорлар тажрибаси ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда ташкилотчилик ишларини партиямиз Марказий Комитети январь Пленуми қўйган талаблар даражасига кўтариш билангина бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат тўғри ташкил этилса, прогрессив усуллар кенг қўлланилса, сабзавот-ўт алмашлаб экиш амалга оширилса ва бир йилда бир майдоннинг ўзидан икки марта ҳосил олиш имкониятидан фойдаланилса, кўп миқдорда картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш мумкин. Бу соҳада илмий-текшириш муассасаларининг олдида ҳам катта вазифалар турибди. Улар фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш билан системали шуғулланишга, картошка ва сабзавотнинг серҳосил навларини яратиш устида амалий иш олиб боришга даъват этилгандирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, **такрор экин экиш ва сабзавотдан икки марта ҳосил олиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмоқ керак Ана шу маҳсулотларнинг талон-торож қилинишига, алдамчиликка ва кўзбўямачиликка йўл қўймаслик учун ҳисоб ва ҳисоботни яхши йўлга қўйиш лозим.**

Сабзавотчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай маданий-маиший шароит яратиб бериш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, экинларни тез ва соз экиб олиш ҳамда картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларни етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашга барча колхозчилар ва совхоз ишчиларини тўла сафарбар этиш район партия комитетлари, шунингдек бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифасидир.

Самимий қутлов

МОСКВА. 26 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Сьерра-Леоне халқини мамлакат мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан самимий қутлади.

Н. С. Хрушчевнинг Сьерра-Леоне бош министри Мильтон Маргаига юборган мактубида айтиладики, Совет ҳукумати Сьерра-Леонени мустақил ва суверен давлат деб танийди ҳамда у билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор қилади.

Совет Иттифоқи халқлари, деб ёзади Н. С. Хрушчев, Сьерра-Леоне халқига тинч-омонлик ва бахт-саодат, шунингдек ўз мустақил давлатининг суверенитетини мустаҳкамлаш соҳасида, унинг экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантириш соҳасида муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ Финляндияга боради

Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконен ўтган йил ноябрь ойида Совет Иттифоқига қилган визити вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни расмий визит билан Финляндияга келишга таклиф қилган эди. Ҳозирги вақтда Л. И. Брежневнинг шу йил 12 сентябрдан 20 сентябргача Финляндияга визити қилиши ҳақида келишиб олинди.

ВЛКСМ Марказий Комитетида

ВЛКСМ Марказий Комитети СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси совети билан биргаликда 1961 йилда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун комсомол ташкилотлари, комсомоллар ва ёшларнинг Бутунитти-фоқ социалистик мусобақасини эълон қилди. Ҳар гектар ердан камида 50 центнердан маккажўхори дони ва 500—700 центнердан кўкпоя олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маккажўхори дони ва кўкпояси етиштиришнинг таннархини камайтириш учун кураш бу мусобақага асос қилиб олиниши лозим.

Мўл ҳосил етиштирган ёшлар коллективлари, қишлоқ механизаторлари ёш колхозчилар ва совхоз ишчилари, пионер дружиналари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари, пионерлар ва мактаб ўқувчилари мусобақада ғолиб чиққан деб ҳисобланадилар. Маккажўхори дони ва силос қилинадиган кўкпоядан мўл ҳосил етиштириш учун курашда комсомоллар, ёшларнинг актив иштирок қилишини таъминлаган комсомол ташкилотлари ҳам ғолиблар қаторига киритилади. Жуда яхши иш намуналарини кўрсатганларни мукофотлаш учун ВЛКСМ Марказий Комитети «Ёш маккажўхорикорга» деган значокни таъсис этди. Мусобақа якувларини мамлакатнинг зоналари бўйича тўплашга қарор қилинди. (ТАСС).

Мусобақадошлар амалий ёрдамга келдилар

Андижондан учган самолёт Тошкентга келиб қўнди. 33 кишидан иборат меҳмонларни тошкентликлар самимий кутиб олдилар. Улар бу йил квадрат-уялаб чигит экишни тамомлаган механизаторлар, қишлоқ хўжалик новаторлари. Меҳмонлар Тошкентга чемодан кўтариб эмас, балки 11 агрегатга лойиқ кўчма қозиқ усули билан чигит экадиган асбоб-ускуналарни кўтариб келганлар. Улар одатдагидек мусобақадошларнинг далаларида бўлиб фақат маслаҳат бергани эмас, балки квадрат-уялаб чигит экишда амалий ёрдам ва мадад бергани келганлар.

Квадрат-уялаб чигит экишдаги консерватизм, кўзбўямачилик каби фактлар ҳали областимизда тамом тугатилгани йўқ. Маълумки, ўтган йили баъзи район раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экиш планини барбод берганлари ҳолда «топшириқни ошириб бажардик» деб рапорт берганлар. Масалан, Чиноз районида ўтган йили 4384 гектар ўрнига 4530 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди, деб рапорт берилган. Ҳақиқатда эса бор-йўғи 2790 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилган. Бу райондаги Сталин номли, «Қизил Октябрь», «XXI партсъезд» колхозлари квадрат-уялаб чигит экиш планини кам бажарганлари ҳолда ошириб кўрсатганлар.

Бундай ҳол Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районларида ҳам содир бўлган. Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхозда ўтган йили 60 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилгани ҳолда 400 гектар ерга экилди, деб маълумот берилган. Киров номли совхозда рапортда кўрсатилганидан 1500 гектар ерга кам квадрат-уялаб чигит экилган.

Областимизда мана шундай кўзбўямачилик фактларига қарши кураш қизиган пайтда мусобақадошлар келди. Улар Тошкентга етиб келиш билан Чиноз ва Ўрта Чирчиқ районларидаги колхоз ва совхоз далаларига чигит экиш учун жўнаб кетдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхозга 5 та, Сталин номли колхозга 2 та ва Калинин номли колхозга 2 та агрегат аъзолари боришди. Сталин номли колхозга «Совой» совхози механизаторларидан Мирза Тоиров, Холмирза Жўраев, сеялкачи Жўра Анорбоев, Мамед Сеиталиев ўртоқлар келишди. Улар ўз ерларида аллақачон чигит экишни тамомлаб, гўза парваришини бошлаб юборганлар.

Мана Сталин номли колхознинг Иброҳимбек Юсупбеков бошлиқ бригада даласи. Бу бригаданинг 170 гектар пахта майдонидан 80 гектарига чигит экилган. 24 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилган бўлса ҳам ҳали экилмаган. Меҳмонлар мана шу бригадага ёрдамга келдилар.

— Тракторчимиз Ортиқбой Раҳматиллаев уч марта урониб кўрди. Квадрат тўғри ҳосил бўлмади. Режа симлари узилиб кетаяпти,— дейди бригада бошлиги меҳмонларга қараб.

Бригадирнинг гапидан бунга тракторчи айбдор деган хулоса чиқади. Лекин меҳмонлар ўртоқ Раҳматиллаев ишлаётган тракторни созлай бошладилар. Ҳамма иш органларини бирма-бир кўздан кечириб уни мойладилар. Пировардида бу тракторни 50х50 схемасида чигит ташлайдиган шестерняси занжирга тушмаслиги, бу шестерня стандарт эмаслиги, шунинг натижасида у режа симини узиб юборганини ва квадратлар тўғри ҳосил бўлмаганининг сабаби шу эканлигини аниқладилар. Колхоз инженери ўртоқ Мальцев бу тракторни ўз вақтида яхшилаб текшириб кўрмаган, тракторчига ёрдам бермаган.

Режа симининг узунлиги 400 метр ҳам келмас эди. Ваҳоланки чигит экилиши лозим бўлган картанинг узунлиги 500 метрдан ҳам ортиқ. Андижонлик механизаторлар икки галтак режа симини улаб ишлатиш усулини кўрсатдилар. Тракторга янги шестерня топиб созлаб ўртоқ Раҳматиллаевга ёрдам бердилар.

— Ҳамма гап тракторни тўғри созлашда, режа симини тўғри тортишда. Агар шу шартлар тўғри бажарилса тракторнинг рулида ўтириш унча қийин эмас,— дейди меҳмонлардан ўртоқ Холмирза Жўрабоев.

Калинин номли колхозга Андижон районининг Янгиобод ва Сталин номли колхозидан келган механизаторлар ёрдамлашаётирлар. Улар бу колхознинг Ҳамраев бошлиқ бригадасида 60х60 схемаси билан чигит экилган 13 гектарлик картани брак қилдилар. Бу ерни Мальцев моласи билан молалаб ерни ўтдан тозалашни, уни чигит экишга қайта тайёрлашни тавсия этдилар. Колхоз тракторчиларидан Абдураҳмон Жабборов, Озод Акбаров ўртоқлар меҳмонлар тавсияси билан бу ерни қайта экиш учун тайёрлашга киришдилар. Ҳозир Ўрта Чирчиқ районидаги колхоз, совхозларда Андижондан келган мусобақадош механизаторлардан иборат 9 агрегат аъзолари квадрат-уялаб чигит экишда амалий ёрдам бермоқдалар.

Райондаги колхоз ва совхозлар меҳмонлар чигит эккан ҳар бир карта тепасига «Андижонлик дўстларнинг биродарлик ёрдам картаси» деб ёзиб қўйишга, у ердаги ҳосилни ҳам алоҳида ҳисобга олишга қарор қилдилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БУ ЙИЛГИ МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗ:

*Областимиз меҳнаткашлари бу йил Ватанга **500 минг тонна пахта, 200 минг тонна луб** маҳсулотлари, **1240 тонна пилла, 21 минг тонна гўшт, 58.500 тонна сут** етказиб бериш, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда **500 центнердан маккажўхори кўкпояси** олиш, кўп миқдорда картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга қарор қилдилар.*

ДАСТЛАБКИ КВАДРАТЛАР

«Оққўрғон» совхозида шу вақтга қадар 4 та комсомол-ёшлар бригадаси бор эди. Яқинда 3-бўлимда Ю. Нишонов бошчилигида яна бир комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Бригаданинг ёш пахтакорлари етти йилликнинг учинчи йилида 120 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан пландаги 28 ўрнига 35 центнердан пахта етиштириш учун курашаётирлар. Улар чигит экишни сифатли ўтказдилар. Ҳозир бригада далаларида яшил квадратлар пайдо бўлган.

Ленин номли колхознинг илғор шофери, комсомол аъзоси ўртоқ В. Юнусов колхоз правлениесидан пахтачилик билан шуғулланишни илтимос қилди. Колхоз раҳбарлари Валижоннинг илтимосини қондириб, энг қолоқ ва кам ҳосилли бригаданинг 40 гектар ерини ажратиб, уни звено бошлиги қилиб тайинладилар. Звено пахтакорлари чигитни энг қисқа муддатда экиб тамомладилар. Дастлаб экилган чигитлар бир текис униб чиқди. Ўтган йили мана шу ерлардан атиги 9 центнердан ҳосил олинган эди. Звено пахтакорлари ўтган йили хатоларга чек қўйиб, ҳосилдорликни 25 центнерданга етказишга аҳд қилганлар.

У. Умаров,
С. Мустафоев,
Х. Ахмедов.

Ҳар бир колхозчига 11 гектардан ер

МИРЗАЧЎЛ, 27 апрель. (ЎзТАГ). Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг Омон Алимқулов бошчилик қилаётган бригадаси чигит экишни тугаллади. Бригада далаларида чигит униб чиқа бошлади. Бригададаги ҳар бир колхозчига ўн бир гектардан пахта майдони биркитиб қўйилди. Бунда ҳар бир колхозчи ҳисобига 46 тоннадан ҳосил етиштирилади. Ҳосил қўриқ ерларда етиштирилиши ҳисобга олинганда бу рақам жуда катта рақамдир. Ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олиш мўлжаллаб қўйилди.

Ғўза парваришига тайёрланмоқдалар

«Малик» совхозининг донгдор механизатори Жавод Кўчиев бошлиқ бригада 200 гектар майдонга чигитни экиб бўлиб, ғўза қатор ораларини олишга тайёрланмоқдалар.

Ўтган йили Ж. Кўчиев ва унинг ўртоқлари республикада энг арзон пахта етиштирдилар. Техникадан моҳирлик билан фойдаланиш меҳнат сарфини кескин суратда камайтириш имконини берди. Етиштирилган ҳар бир центнер пахта учун 10 киши-соатн сарфланди. Ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда 32,6 тоннадан пахта етиштирди.

Моҳир механизаторнинг кўпгина режалари бор. У пахта етиштиришда қўл меҳнатига батамом хотима бериш вазифасини қўймоқда. Бригада бу соҳада ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Пахтакорлар қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш даражасини 95 процентгача етказишга аҳд қилдилар. Ҳолбуки, ўтган йили қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш даражаси 87 процентни ташкил қилган эди. Кўрак теріш машиналари олинди, эгилувчан шлангалар ёрдамида суғориш жорий қилинмоқда. Ғўзани яганалаш учун килинадиган меҳнат сарфи икки баравар камайтирилади.

Бу йил ҳамма майдонларга туки тўкилган ва калибровка қилинган чигит аниқ квадратларга жойлаштирилди.

Жавод Кўчиевнинг ҳисобларига кўра, эндиликда пахтанинг ҳар бир центнери ўтган йилдагига қараганда 2 сўм 50 тийин арзонга тушади. Ҳосилдорлик икки центнер ошади. Яқин бир-икки йил ичида бригадада қўл меҳнати ўрнини машиналар олади. (ЎзТАГ).

Чирчиқ машиналари — чет элларга

ЧИРЧИҚ, 27 апрель. (ЎзТАГ) .«Чирчиксельмаш» заводи Мўғулистон Халқ Республикаси далаларининг меҳнаткашларига «КЗУ—03» маркали ариқ қазийдиган ва текислайдиган универсал машиналарни биринчи марта юборди. Бирлашган Араб Республикасига ҳам ана шундай машиналарни юборишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил экспорт қилиш учун қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш бир неча баравар кўпайтирилади. Кўпгина халқ демократияси мамлакатларига ва Яқин Шарқдаги мамлакатларга ариқ қазийдиган — текислайдиган машиналар, культиваторлар, ўғит соладиган машиналар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари юборилади.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси Ўзбекистон ССР саноатининг 1961 йил I кварталида давлат планининг бажарилишига якун ясади.

Ўзбекистон ССР саноат ходимлари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, 1961 йил I кварталида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105 процент бажардилар. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1960 йил I кварталидагига нисбатан оширилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 100,7 процент бажарилди.

Республика Министрлар Советига қарашли саноат I квартал планини 105 процент қилиб бажарди, шу жумладан Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши саноати — 105 процент бажарди. Халқ хўжалиги кенгаши бошқармалари (машинасозлик саноати — 99,3 процент шунингдек гўшт-сут ва балиқ саноати — 98 процентдан ташқари) белгиланган топшириқни ошириб бажардилар.

Республика министрликлари ва бошқармалари, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, шу жумладан, Узглавместпромга қарашли корхоналар давлат планларини ошириб бажардилар.

Республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат планини ошириб бажардилар. Тошкент шаҳри планни 104 процент, Тошкент области—106 процент бажарди.

Саноатнинг энг муҳим тармоқлари — қора ва рангли металлургия ва ёқилғи саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайди, электр энергияси ва тепловой энергия ишлаб чиқариш ўсди. Шунингдек, машинасозлик, металл ишлаш, кимё, енгил саноат корхоналари ва саноатнинг бошқа тармоқлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

1961 йил I квартали планидан ташқари 5,5 минг тонна пўлат эритилди, 2,9 минг тонна прокат ишлаб чиқарилди, 9 минг тонна нефть, 26 миллион кубометр газ, 55 минг тонна кўмир чиқарилди, 18 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди, 31 трактор, 6,5 минг тонна минерал ўғит, 2,8 минг тонна цемент, 216 минг метр ип газлама, 124 минг дона ички ва 26 минг дона устки трикотаж, 91 минг жуфт чарм пойафзал, 1,7 тонна сут маҳсулотлари ва бошқа кўп буюмлар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга республика саноатининг ишида камчиликлар ҳали ҳам бор. 1960 йил 1 кварталига нисбатан ишлаб чиқариш кўпайгани ҳолда, компрессорлар, холодильниклар, иморатбоп ғишт, кўприкли кранлар, трактор прицеплари, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, асбоцемент трубалар, шойи газлама ишлаб чиқариш, балиқ овлаш бўйича 1961 йил 1 квартал плани бажарилмади.

Бир қанча корхоналарда паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўйилмоқда, ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланилмаётир, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаётир. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг олтинчи сессияси 1961 йил 29 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1961 йил 25 апрель
Тошкент шаҳри,

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

1961 йил I кварталда саноат бўйича давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида Тошкент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг ахбороти

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, кўпгина муҳим буюмлар ишлаб чиқариш ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича I квартал планини муваффақият билан бажардилар.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 105 процент, шу жумладан область саноат корхоналарида 106 процент, Тошкент шаҳар саноат корхоналарида 104 процент бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1960 йилнинг биринчи кварталидагига қараганда 9 процент ўсди, шу жумладан область саноат корхоналарида 13 процент ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарида 7 процент кўпайди.

Ведомстволар қарамоғидаги корхоналар бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планининг бажарилиши қуйидагича характерланади:

	Биринчи квартал планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	1961 йилнинг I кварталида 1960 йилнинг I кварталига нисбатан (процент ҳисобида)
Совнархоз корхоналари	104	106
Тошкент область ижроия комитети саноат бошқармаси	106	107
Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат бошқармаси	108	111
Республика министрликлари ва ведомстволар корхоналари	112	129
Иттифоқ министрликлари ва ведомстволари корхоналари	102	124

Айрим саноат корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

	Биринчи квартал планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	1961 йилнинг I кварталида 1960 йилнинг I кварталига нисбатан (процент ҳисобида)
В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи	106	107
Плавик-шпат комбинати	124	177
Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинати	111	110
Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати	105	153
«Узбекуголь» комбинати	108	136
Карборунд заводи	104	106
И. В. Сталин номидаги Чирчиқ электр кимё комбинати	104	108
Қоғоз комбинати	103	101
Янгийўлдаги гидролиз заводи	139	184
Тошкент газоаппарат заводи	124	116
Чирчиқ ГЭС каскади	107	82
Оржоникидзе ГЭС каскади	106	91
Тошкент ГЭС каскади	107	95
Қуйи Бўзсув ГЭС каскади	113	96
Тошкент ТЭЦи	124	117
Оҳангарон ГРЭСи	104	169
«Ташсельмаш» заводи	110	167
Экскаватор заводи	101	111
Ўзбекистон трактор-йиғув заводи	103	159
«Автотрактородеталь» заводи	105	120
Тошкент 3-ғишт заводлари бошқармаси	107	112
Тошкент 5-ғишт заводлари бошқармаси	105	108
Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармаси	102	103
Янгийўлдаги 8-ғишт заводлари бошқармаси	105	108
Чирчиқдаги 9-ғишт заводлари бошқармаси	107	134
Оҳангарон цемент заводи	124	134
Чирчиқ ойна заводи	104	155
«Красная заря» тикувчилик фабрикаси	100	97
Тошкент 1-пойафзал фабрикаси	105	103

Шу билан бирга 34 саноат корхонаси, шу жумладан Совнархоз ихтиёридаги 17 корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни бажара олмади. Булар орасида Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи, Фарҳод ГЭСи, «Ташавтомаш» заводи «Подъёмник» заводи, Оҳангарон шаҳридаги «Подземгаз» станцияси, 4 ва 7-темир-бетон буюмлари заводлари, Янгийўлдаги қурилиш материаллари заводи ва бир қатор бошқа корхоналар бор.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим хилларини ишлаб чиқариш қуйидагилар билан характерланади:

	1961 йил 1 кварталда ишлаб чиқарилди	1961 йилнинг I кварталида 1960 йилнинг I кварталига нисбатан (процент ҳисобида)
Кўмир — минг тонна	1023	134
Электр қуввати — миллион киловатт-соат	1209	123
Кимё ускуналари — минг сўм ҳисобида	2071	91
Трансформаторлар — минг ква ҳисобида	57	83
Кўприк кранлари — дона	164	103
Экскаваторлар — дона	180	109
Бронекабель — километр ҳисобида	1624	117
Тракторлар — дона	2281	160
Трактор культиваторлари — дона	3000	77
Пахта экадиган трактор сеялкалари — дона	2975	149
Трактор прицеплари — дона	2168	135
Пахта териш машиналари — дона	1065	188
Ғўзапоя юладиган машиналар — дона	1500	—
Ғиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари (қурилиш ташкилотлари ҳузуридаги корхоналар ишлаб чиқарганлари бу ҳисобга кирмайди) минг кубометр ҳисобида	112,6	147
Цемент — минг тонна	128,5	113
Шифер — миллион дона шартли плита ҳисобида	5,5	83
Асбоцемент трубалари — шартли километр	308	112
Бинокорлик ғишти — миллион дона	137,3	109
Дераза ойналари — минг квадрат метр	630	157
Қоғоз — тонна	2456	99,3
Пахта толаси — минг тонна	35	86
Ип газлама — миллион пагон метр	54	99
Устки трикотаж — минг дона	459	107
Ички трикотаж — минг дона	1859	107
Чарм пойафзал — минг жуфт	2348	106
Рўзғор холодильниклари — дона	1950	104
Мебель — минг сўм ҳисобида	1851	121
Гўшт — (Совнархоз корхоналари бўйича I категорияли устхонини қўшганда) — минг тонна	6	86
Мол ёғи — тонна	84	92
Ўсимлик ёғи — минг тонна	6	145
Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари — минг тонна	11,3	117
Консервалар — минг шартли банка	5041	107
Нон-булка маҳсулотлари — тонна	42435	98
Кондитер маҳсулотлари — тонна	4724	115
Узум виноси (колхозларда ишлаб чиқарилгани бу ҳисобга кирмайди) — минг декалитр	275	110
Папирос ва сигаретлар — миллион дона	974	105
Совун — тонна	1758	103

Пландан ташқари 93 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди, 20 миллион киловатт-соат электр қуввати, 31 трактор, 19 километр шлангли кабель, 30 минг квадрат метр дераза ойнаси, 74 минг пагон метр ип газлама, 75 минг жуфт чарм пойафзал ва кўп миқдорда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бироқ кимё ускуналари, кўприк кранлари, трактор прицеплари, йиғирув машиналари, рўзғор холодильниклари, асбоцемент трубалари, бинокорлик ғишти, ғиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, мебель ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал плани бажарилмади.

Айрим корхоналар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмадилар ва оқибатда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқни бажармадилар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини пасайтириб юбордилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИ.

Саноат корхоналаримиз юксалишда ❋ Жамоатчилик кучи билан сиёсий маориф кабинети ❋ Янги темир-бетон буюмлари заводи.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДА

ЯНГИ МАРШРУТ

Яқиндан бошлаб район марказидан Оқтепа-Туябўғиз маршрути бўйича «Пискент» совхози орқали икки автобус қатнай бошлади. Бу янги маршрутнинг очилиши совхоз ишчиларининг район марказига келиб-кетишларини анча осонлаштирмоқда.

ИККИ ЮЗ ГЕКТАРЛИК БОҒ

«Пискент» совхозидаги Мингтепага бир умр сув чиқмас эди. Совхоз ишчилари ғайрати билан мана шу қақраган тепага насос билан сув чиқарилиб, 200 гектарлик боғ барпо қилинди.

БУЛОҚЛАР КЎЗИ ОЧИЛАЁТИР

Район территориясида илгари кўп булоқлар бўлган. Лекин кейинги вақтларда қароксиз қолиб, улар қуриб қолган эди. Ҳозир ана шу булоқларнинг кўзини очиб, яна зилол сув чиқариш чоралари кўрилаётир. Биринчи навбатда «Гулистон» ва Калинин номли колхозлардаги булоқларни тозалашга киришилди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Газ тарқатиш станцияси қурилаётир

Бекобод. Шаҳардаги жуда кўп хонадонларга суюқ газ келтирилди. Аммо бу аҳолининг газга бўлган талаби тўлиқ қондирилди, деган сўз эмас.

Шу пайтга қадар суюқ газ Вонновская станциясидан келтирилар, натижада газ қимматга тушарди. Шуни эътиборга олиб, шаҳарда газ тарқатиш станцияси қуришга қарор қилинди. Қурилиш ишлари тез суръат билан давом этаяпти. Станция қуриб битказилгач, Янгиер, Мирзачўл, Ленинобод шаҳарлари ва Нов посёлкасининг аҳолиси ҳам газ билан таъминланади.

Ш. АБДУРАҲМОНОВ.

Қисқа сатрларда

▲ **Қуйи Чирчиқ.** 2-боғдорчилик совхозида 30 кишига мўлжаллаб ган янги касалхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. Зикриллаев.

▲ **Гулистон.** 43-саккиз йиллик мактаб ўқувчилари 15 тонна металл-лом йиғишга аҳд қилган эдилар. Улар ўзларининг бу аҳдларини шараф билан бажардилар.

Ю. Абдуалимов.

▲ **Чиноз.** Район матлубот жамияти Тошкент кабель заводи филиалининг ишчилари учун 200 киши овқатланадиган ошхона очди. Шунингдек, район марказида баҳор савдо ярмаркаси очилди.

Т. Имомов, М. Юсупов.

▲ **Бўка.** Райондаги Хрушчев номли, Охунбобоев номли, «Ленинизм», Ильич номли колхозлардан ўтувчи катта йўлларга шағал ётқизилди. Яқинда бу йўлдан район маркази ва Ильич номли колхоз бўйлаб айланма маршрут очилиб, автобус қатнови йўлга қўйилди.

Ш. Юнусов. И. Пўлатов.



Тошкентдаги трактор-йиғув заводи 1-цехининг токари ўртоқ Ваҳоб Мирзааҳмедов халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини 150 процентдан бажараётир. Суратда: ўртоқ В. Мирзааҳмедов иш устида.

М. Комлев фотоси.

ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

Оҳангаронда, Ўзбекистон цемент саноатининг бўлажак гиганти ёнида темир-бетон буюмлар заводи қурилиши ҳам бошланди. Бу завод «Главстройиндустрия» корхоналари системасига киради.

Янги корхона бир йилда 70 минг кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Завод оддий ва олдиндан таранглаган темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаради. Унинг маҳсулотлари Оҳангарон ва Тошкентдаги қурилишлар учун ишлатилади.

Завод қурилишини «Алмаликсвинецстрой» трестининг 3-қурилиш бошқармаси коллективи олиб бормоқда. Шу кунларда ер қазиш ишлари авж олдириб юборилди.

Янги завод шу йил охирида фойдаланишга топширилади.

Э. МЕЛИКСЕТОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МЕТАЛЛ НОБУД БЎЛМАСИН!

Тошкент шаҳар Совети саноат бошқармасига қарашли кимё-галантерея фабрикасида бўлганимизда аянчли аҳволнинг шоҳиди бўлдик. Фабрика ҳовлисида эски станоклар, машиналарнинг қисмлари, автомобилларнинг рамкалари очиқ ҳавода, лой-тупроқларга қоришиб, занглаб ётибди. Ана шундай металл парчаларининг жами 10 тоннадан ошиқроқ келади. Худди шундай аҳволни тери-мўйна заводи, кондитер комбинати, бинокорлик материаллари комбинатида ҳам кўриш мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қора ва рангли металларни тежашга қаратилган маълум қароридан кейин «Узглавторгмет» бошқармаси шаҳарда темир-терсакларни қабул қилиб оладиган бир қанча пунктлар ташкил қилди. Бироқ, Калинин район тайёрлов конторасининг ходими ўртоқ А. Қодиров Ўйғур кўчасига жойлашган район қурилиш комбинати территориясида бир неча йиллардан буён занглаб, исроф бўлиб ётган темирларни олиб кетмоқчи бўлганида комбинат мих цехининг бошлиғи ўртоқ Б. Тарасов жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатган.

Номлари тилга олинган корхоналарнинг раҳбарлари чириб, нестбуд бўлаётган ана шу юзларча тонна металл парчаларига нисбатан нақотки шунчалик эътиборсизлик билан қарасалар?!

С. РАҲИМОВ, Р. ҚУРБОНОВ, Т. НАЖМИЙ.

Тошкентдаги 3-мебель фабрикасидаги ишчи мухбирлар постининг аъзолари.

КЎРГАНДА ҚУВОНАСИЗ

Ўғлингиз «Таштрансмаш» заводига тушганми? Унинг территорияси бирам кўркам, бирам ободки, кўрганда қувонасиз. Завод дарвозасидан киришингиз билан йўлнинг икки томонидаги сербарг дарахтлар, яшил тўсиқлар кўзга ташланади. Ранг-баранг гуллар-у, гулзорлар эътиборингизни беихтиёр ўзига тортади. Бу йил ўтқазилган дарахт ва гул кўчатларини кўрасиз.

Ҳа, ишчи-хизматчи ва инженер-техниклар ўз заводлари атрофини қўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор беришаётир. Натижада завод территорияси йил сайин кўркам бўлмоқда. Бу ишда ўртоқ А. Шур раҳбарлик қилаётган ободончилик иши билан шуғулланувчи комиссиянинг хизмати катта бўляпти.

У. УСМОНОВ.

Оқтепа массивини кезганда...

Шаҳримиз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кўз юмиб очгунча янги-янги иморатлар, турар-жойлар қад кўтармоқда. Массивлар бунёд бўлмоқда. Яқингинада ҳозирги Оқтепа массивининг ўрни ҳам баланд-пастлик ва кўримсиз жойлардан иборат эди. Ана шу кўримсиз жой ўрнида бугун ҳаёт жўш урмоқда. Бир-биридан муҳташам бинолар фойдаланиш учун кетма-кет топширилиб турибди. Шу кеча-кундузда бу ерда 936 квартира ва секция ҳамда 1 мингдан ошиқ участкада 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Азамат қурувчиларимиз яна бир неча бинони пардоздан чиқариб, фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Яна юзлаб кишилар янги квартираларга кўчиб кирадилар.

Мана булар кишини беҳад қувонтиради. Лекин бу ердаги маданий-маиший хизмат аҳолининг талабига жавоб бера олмайди.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Массивнинг уй бошқармаси бошлиғи ўртоқ Саид Неъматов гапни шикоят қилишдан бошлади:

— Вазифам уй бошқармаси бошлиғи бўлса ҳам, лекин шу кеча-кундузда турли хил ёзишмаларга жавоб қайтаришдан бўшамай қолдим.

— Қанақанги ёзишмалар? — сўрадик ундан.

— Меҳнаткашлар бу ердаги магазинларнинг талабга жавоб бераолмаслиги, ошхона ва кинотеатрнинг йўқлиги, амбулаториянинг тор ва захлиги ҳақида турли ташкилотларга тинмай шикоят ёзишади. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари бўлса нима сабабдандир бу шикоятларни «текширилсин, чора кўрилсин» деб менга юборишади... Ўзингиз ўйланг, мен ахир нима ҳам қила олар эдим...

Чиндан ҳам бу ерда 15 минг аҳолига хизмат қилаётган биттаю-битта 129-сонли озиқ-овқат магазини талабга жавоб бера олмайди. Эски гаражнинг уёқ-буёғига фанер қоқиб омонатгина ўрнатиб қўйилган бу хона талабга жавоб бермайди.

— Қачон қараманг, магазин олдида навбат кутишгани-кутишган,— деб гап тушунтирди мудир И. Шораҳмедов. — Гўё буларнинг ҳаммасига мен айбдордек кишилар мендан норози бўлишади. Гугуртга ҳам, папиросга ҳам, тузга ҳам навбат кутсак, қимматли вақтимиз беҳудага кетадику, дейишади. Бунисиҳам майли, энг ачинарлиси шуки, бизнинг складимиз йўқ. Ҳамма маҳсулотни магазиннинг ўзида сақлаймиз. Гоҳо шакар солинган қопнинг устига чиқиб савдо қилишга тўғри келади...

Биз амбулатория билан ҳам танишдик. У шунақанги торки, баъзида докторлар касални ё коридорда ёки «очиқ ҳавода» қабул қилишга мажбур бўлар эканлар. Амбулаториянинг ўрни ҳам илгари гараж бўлган. Бу ерда амбулатория учун ҳеч қандай мослама йўқ.

Массивда ҳалигача типовой магазин, амбулатория қурилмаганлиги тўғрисида 7-СМУ бош прораби А. Содиқовдан сўраган эдик:

— Мен қаёқдан билай? — деди у елкасини қисиб.

— Умуман яқин ўртада қурилмоқчими?

— Проектда бунақанги нарсалар йўқ.

— Ошхоначи? Проектда ошхона ҳам кўрсатилмаганми?

— Кўрсатишга-кўрсатилган, — деди Содиқов, — лекин нима сабабдандир қурилиши кечикиб кетяпти...

СУВ КЕРАК

Ўтган йили массивда яшовчи меҳнаткашлар шаҳарни қўкаламзорлаштириш ҳафталигига актив қатнашиб, ўз кўчаларини, тротуар ва ҳиёбонларини қўкаламзорлаштириш мақсадида 30 минг тупга яқин кўчат экдилар. Лекин бу ерда сув бўлмаганлиги учун ёзга бориб кўчатларнинг 90 проценти қуриб қолди.

— Бу йил қанча кўчат экилди?— сўрадик С. Неъматовдан.

— Ўн беш минг туп. Лекин эрта экилганлари ҳозирдан бошлаб қурий бошлади... Эссизгина меҳнат...

— Бу йил ҳам сув йўқми?

— Йўқ-да. Бўлганда яна қанчадан-қанча кўчатлар ўтқазган бўлардик, гулзорлар барпо қилардик...

Маълум бўлишича, собиқ 10-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Н. Ортиқхўжаев маҳалла аҳолиси билан «аччиғлашиб» қолиб, массивни сув билан таъминлаб турган ариқни кўмдириб юборган экан. Мана энди массив ҳам, унинг атрофидаги янги участкалар ҳам сувдан маҳрум бўлиб, дов-дарахтлар барг ёзмасдан қуриб қолмоқда.

— Яқинда насос ўрнатдик, — деб мақтаниб гап бошлади бош прораб А. Содиқов.

— Насос моторини аллақачон уриб кетишган, — кимдир, луқма ташлади шу пайт.

— Уриб кетишган?!

— Бўлмасамчи...

— Ким уриб кетади? — тутоқиб деди прораб.

—Ким бўларди, баъзи бир ярамасларда, — деди ҳалиги одам.

Массивнинг сув билан таъминланиши ана шундай аҳволга тушиб қолган. Массивдаги участкаларни водопровод суви билан таъминлаш ҳақида эса оғиз ҳам очилган эмас.

ТЕЛЕФОН-АВТОМАТ ҚАНИ?

Шу йилнинг 19 январида райоп ижроия комитети бошқа масъул ташкилотлар билан биргаликда массивдаги камчиликларни тугатишга бағишлаб махсус кенгаш ўтказди. Ўша куни қабул қилинган қарорда телефон-автомат ҳақида мана бундай гаплар айтилган:

«IV. Буфетга жойлашган телефон-автоматни биринчи февралдан қолдирмасдан пар қозони ёнидаги майдончага ўрнатиш, 10 февралгача яна бир телефон-автомат ва амбулатория учун махсус телефон ўрнатиш АТСнинг бош инженери ўртоқ Шеинга топширилсин».

Мана орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтди ҳамки, ўртоқ Шеиндан дарак йўқ. Бу қарорнинг ижросини текширувчи ўртоқлар ҳам лом-мим демасдан келмоқдалар. Ҳатто ўша пайтларда ишлаб турган яккаю-ягона телефон ҳам шу кеча-кундузда ишдан чиқиб, «яроқсиз» бўлиб ётипти. Шундай қилиб, бир неча минг аҳолиси бўлган, бир неча ташкилотларнинг идораси жойлашган катта бир массив шаҳар билан телефон орқали қилинадиган алоқадан маҳрум бўлиб қолди. Бу, массив аҳолиси учун жуда катта қийинчиликлар туғдираётганини АТС бошлиғи Комаров ва шу кунда бош инженер бўлиб турган Кошелев ўртоқлар тушунармикан?

МЕҲНАТКАШЛАР ИСТАГИ

Биз юқорида массивдаги баъзибир етишмовчиликлар ҳақида гапирдик. Массив янги қурилмоқда, табиий, унинг камчиликлари ҳам кўп бўлади. Вақти билан улар тугатилади ҳам. Лекин бу ерда озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи дурустроқ магазинларнинг йўқлиги, ошхонанинг ҳанузгача ишга туширилмаганлиги, дорихона, меҳнаткашларнинг талабини қондира оладиган амбулатория, телефон ва телефон-автоматларнинг йўқлиги меҳнаткашларни қаттиқ ранжитмоқда.

7-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ларин, район ижроия комитетидаги раҳбар ўртоқлар кишиларнинг ҳақли талабига қулоқ солиб, уларга маданий-маиший шароит яратиб беришлари керак.

И. ШОҒУЛОМОВ, Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЯХШИ ТАШАББУС

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув-тўқув фабрикасида жамоатчилик кучи билан сиёсий маориф кабинети очилди. Яхши жиҳозланган бу кабинет ҳар куни кундуз соат 1 дан 5 гача пропагандистлар, агитаторлар ҳамда тўгаракларнинг тингловчилари хизматида бўлади.

Фабрика партия ташкилотининг ташаббуси билан ташкил этилган бу кабинетда ҳақ олиб ишлайдиган хизматчи йўқ. Фабрика лабораториясининг инженери ўртоқ С. Бородина партбюронинг топшириғига биноан кабинет мудири вазифасини ҳам бажараётир. Корхонада узоқ йиллар ишлаб, яқинда пенсияга чиқиб кетган коммунистлардан А. Егоричева, А. Витол, Т. Васильева, А. Андреева ўртоқлар галма-галдан кабинетда навбатчилик қилаётирлар.

Кабинет адабиётларга анча бойиб қолди. Чунки комбинат сиёсий маориф кабинети ва техника кутубхонасига қарашли иккала кўчма кутубхонадан талайгина китоб ва брошюралар олинди. Кабинетга кирган пропагандист керакли адабиётларни топиши ва бемалол фойдаланиши мумкин.

Кабинетнинг яна бир тақдирга сазовор иши шу бўлдики, бу ерда «Комбинат етти йилликда» деган катта стенд ташкил этилди.

Комбинат партия комитети йигирув-тўқув фабрикаси партия бюросининг бу ажойиб ташаббусини бошқа фабрикаларга ҳам ёяётир. Жумладан, биринчи тўқувчилик ва газламага гул босиш фабрикаларида ҳам жамоатчилик асосида партия маорифи кабинетлари ташкил этилди.

Р. ИБРОҲИМОВ.

Суратда: (чапдан) сиёсий маориф кабинетининг мудири С. Бородина, 2-тўқув фабрикаси цехкомининг раиси В. А. Носова, ип ўраш цехининг мастери Ф. Тўйчибоева ва ремонт бўлимининг мастери М. Заварина ўртоқлар кабинетда.

С. Абдиев фотоси.

КВАДРАТ-УЯЛАБ ЧИГИТ ЭКИШ ТЕЗ, СИФАТЛИ ЎТСИН!

Пахтакор ўртоқ! Ёдингда тут: экишни бир кун, бир соат ҳам кечиктирма!

Квадратларнинг аниқ бўлишини таъминла. Яганани вақтида ўтказ. Шуни унутмагинки, агар яганани уч кун кечиктирсанг, бир центнер ҳосилни кам оласан.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЯНГИЕР. Уста пахтакор Маматқул ака Қозоқбоев бу йил Валентина Гаганова ташаббусига қўшилиб, 2-«Боёвут» совхозининг 2-бўлимидаги энг қолоқ бригадага қарашли 130 гектар ерни ажратиб беришларини илтимос қилди. Совхоз раҳбарлари бунга бажонидил рози бўлдилар. Ўтган йили бу бригада ерларининг ҳар гектаридан атиги 10 центнердан ҳосил олинган эди.

Бригада аъзолари бу йил шаҳларига тушган доғни ювиб ташлаш учун ҳосилдорликни ўтган йилгига нисбатан 2 баравар оширишга жиддий аҳд қилиб, намунали ишлашяпти.

Шунингдек, райондаги 1-«Боёвут» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Бозорова, 3-«Боёвут» совхозининг Б. Қурбонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари ҳам ғайратларига-ғайрат қўшиб меҳнат қилаётирлар.

О. АБДУСАМАТОВ,
Р. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Ж. МАМАТОВ.

ЭНГ ЯХШИ НАВЛИ УРУҒЛИКЛАР

Ўзбекистонда тўртта янги уруғчилик хўжалиги ташкил қилинди. Энди уларнинг сони 44 тага етди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги уруғчилик бошқармасининг бошлиғи А. Н. Шафрин ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни билдирди:

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР қишлоқ хўжалик министрлигини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорида шу нарса кўрсатиб ўтиладики, министрликнинг ҳозирги шароитдаги энг асосий вазифаларидан бири — уруғчилик ва селекция ишларини тўғри ташкил қилишдан ҳамда колхоз ва совхозларда энг яхши уруғликларни тезроқ жорий қилишдан иборатдир.

Республика уруғчилар коллективи ўзам ана шу янги вазиятни ҳисобга олган ҳолда ишламоқда. Бу йил элит уруғлар ва дастлабки репродукцияларни (шу навли уруғликнинг сифати жиҳатидан энг яхши уруғликлари) экиш учун ўтган йилдагидан анча кўп майдон ажратилди. Бу майдондан Ўзбекистондаги ҳамма колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини бемалол таъминлаш учун етадигани миқдорда экиш материаллари олинади.

Тўқимачилик корхоналари 149-навли пахта толасининг сифатига юксак баҳо бераётганликлари туфайли учта ихтисослаштирилган хўжалик шундай навдаги пахтанинг чигитини етиштириш билан шуғулланмоқда. Бундан кейин ана шундай навдаги пахта экиладиган майдонларни анча кенгайтирса бўлади.

Ўзбекистонда шу кунларда чигит экиш ишлари оммавий равишда қизитиб юборилди. Республика уруғчилари экиш кампаниясига зарур миқдорда туксизлантирилган чигит тайёрладилар. Бу чигит аниқ қилиб экадиган янги агрегатлар билан экилмоқда. Ана шундай чигитдан уч минг тоннаси қардош Туркманистонга юборилди. Чет мамлакатлардан — Хитой, Албания, Индонезия, Бирма, Ироқ пахтакорларига ҳам анчагина миқдорда юқори сифатли чигит жўнатилди. (ЎзТАГ).

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари чигит экишни сифатли ўтказиб, олди карталарда ғўза парваришини бошлаб юбордилар. Суратда: илғор бригада механизаторлари (чапдан) комсомол аъзоси Зариф Мирзаев ва коммунист Абдураҳим Султонов ўртоқлар квадрат-уялаб чигит экилган картани кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Сеялкачи — мўл ҳосил ижодкори

«Гулистон» совхозининг механизаторлари чигит экишда Гулистон районида энг яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. 1500 гектардан кўпроқ ерга ҳозирдаёқ чигит экилиб бўлди. Бу майдоннинг анчагина қисмида чигит униб чиқди. Бу эса сеялкачиларнинг иш сифатини белгилади. Квадратлар жуда аниқ ҳосил қилинган.

Мирзачўл шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта тажриба орттирган Ёшхон Мирзаева бошлиқ бригада чигит экишни совхозда биринчи бўлиб тугаллади. 12 гектар ернинг ҳаммасида чигит қийғос униб чиқди. Пахтакорлар керакли миқдорда турли ўғитлар тайёрлаб қўйдилар, коллекторлар-дренаж ва суғориш тармоқларини тозаладилар. Улар шу яқин кунларда ғўза қатор ораларига ишлов беришни бошлайдилар. Бригада бу йил ҳар гектардан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришдек юксак мажбурият олган.

Совхозда механизатор Виктор Ковалев чигит экишда ўрнак кўрсатмоқда. Унинг сеялкаси ўтган жойларда чигит аниқ квадратларга ва зарур чуқурликда жойлаштирилмоқда. Виктор экишнинг сифатинигина кузатиб бораётгани йўқ. У тўлиқ гектар учун курашиб, ернинг бирор жойини ҳам бўш қолдирмасликка ҳаракат қилмоқда. Чунки пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун гектарларнинг тўлиқ бўлиши керак В. Ковалев ана шунга эришмоқда.

Тахтаровдан ўрганингиз!

Оддий колхозчидан тортиб хўжалик раҳбарларигача — хуллас ҳамма пахтакорлар яхши эка билишлари керак. Бўка районида ўтказилган семинарда қатнашган колхоз раислари ана шу оддий ҳақиқатни аниқса яхши ҳис қилдилар. Колхоз раиси, агроном ёки бошқа мутахассис агрегатларнинг тўғри ҳаракат қилишини, сифатини тўғри аниқлаб, йўл қўйилган нуқсонинг сабабини аниқлай олиши мумкинми? Маълум бўлишича, бу нарсани аниқлаш ҳали ҳаммининг ҳам қўлидан келмас экан. Бу нарсани билиш керак, йўқса механизаторларнинг ишларига раҳбарлик қилиш қийин бўлади.

Семинарда «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг тракторчиси Тахтаровнинг номи тилга олинди. Унга 112 гектар ер ажратиб берилган. Тракторчи шу ерларнинг тахминан ярмига чигитни уяларга белгиланган миқдорда экиши керак. Бу ери 34 гектар ерда бажарилди. Экиш ишлари жуда тўғри олиб борилмоқда. аниқ квадратлар ғўзага ташланмоқда. бўш уялар йўқ. Шундан кейинги даврда ғўзаларни культивация қилиш осон бўлади.

Қисқаси Тахтаровдан кўпгина нарсаларни ўрганса бўлади.

КВАДРАТ-УЯЛАБ ҚАЧОН ЭКАСИЗ?

Правление йиғилишида экишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Мажлисни ёпар экан, раис ўртоқ Ж. Очилов ўтирганларга яна уқдирди:

— Бу йил квадратга зўр бермасак бўлмайди, ўртоқлар. Ўйлаб кўрсам, планнинг сурункасига бажарилмаётганига сабаб квадратга эътибор берилмаётганида экан. Боя айтганимдек, 900 гектар майдоннинг 360 гектарига чигитни режа сими тортиб экамиз. Бордию, бирор бригадир бу ишга тўсқинлик қиладиган бўлса, ўзидан ўпкаласин.

БРИГАДИР: — Мулла Шодмон, рансимиз идорадан чиқмай қолдилар.

УНИВЕРСАЛЧИ: — Ажаблан шахмат усулида квадрат-уялаб адиган жойи йўқ. Рансимиз чигит экиш йўлини ўрганмоқдалар.

А. Ҳолиқов чизган расм.

Колхозда экиш бошланган куни раис далани айланди-ю, ҳангу-манг бўлиб қолди. «Э, аттанг, ўшанда гапни ўйламай айтиб юборган эканмиз-да. Тайёргарликнинг мазаси йўқ экану...» деб кўнглидан ўтказди у.

Дарҳақиқат раис ўша мажлисда санамай саккиз деб юборган эди. Негаки, қолоқ деган билан оғиз чучимаганидек, қуруқ гап билан далада квадрат кўкармайди-да!

Белгиланган график бўйича шу кеча-кундузда 7 агрегат билан 60Х50 схемасида чигит экилиши лозим. Аммо режа сими йўқлиги сабабли атиги икки агрегат квадрат-уялаб экяпти. Уларнинг ҳам иш унуми паст.

Ўртоқ П. Усмонов бошлиқ бригада 100 гектар майдонга эга. Лекин квадрат-уялаб экишга фақат 29 гектари ажратилган. Бунинг устига ер экишга сифатсиз тайёрланганлигидан бир картанинг ўзида чигит икки йўналишда экилмоқда.

Чигитни сифатли экиб олишда механизмларнинг нормал ишлаши жуда катта роль ўйнайди, албатта. Бироқ, ўртоқ И. Хўжаева бошлиқ бригадада хизмат қилаётган В. Илёсов бошқараётган агрегатнинг катоги тупроқни нормал зичламай кетаяпти. Бунга сеялкачи Р. Файзуллин дурустроқ эътибор бермаяпти.

Колхознинг Бозор Раимов бошлиқ бригадаси ерлари текис, бемалол квадрат-уялаб чигит экса бўлади. Аммо бу ерда ҳам фақат торқаторлаб экишга зўр бериляпти.

— Нега квадрат-уялаб экмаяпсиз? — сўрадик бригадирдан.

— Э, ука, — бепарволик билан жавоб берди у, — ёмғир ишимизга анча ҳалақит берди. Вақт ўтяпти. Ўзингиз биласиз-ку, квадратлаб экиш кўп уринишни талаб қилади. Бошқалардан кейинда қолмайлик деб, торқаторлаб экаяпмиз.

Худди шундай. Чиноз районидаги Сталин номли колхоз раҳбарлари «вақт ўтяпти» баҳонаси билан чигитни квадрат-уялаб экишга панжа орасидан қарамоқдалар. Шу сабабли ҳозирга қадар сим тортиб чигит экилган майдон 100 гектардан ошгани йўқ.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхозда чигит экишга чала тайёргарлик билан киришилган. 16 сеялка ўрнига 8 таси чигит экмоқда. Тракторлар ремонти сифатли бўлмаганидан улар иш пайтида бир неча соатдаб тўхтаб қоляпти.

7-бригадада бўлганимизда механизатор Зокир Рустамов «ДТ-24» трактори атрофида куйманиб юрган эди. Унга мурожаат қилдик:

— Пайкалнинг ўртасида тўхтатибсиз, агрегатга нима бўлди?

— Ўзимга қолса, бирор минут бекор турғим йўқ-куя, гапиракетди механизатор. — Трактор қийнаяпти. Бугун иккинчи марта даланинг ўзида двигатель насосини очиб кўрдим. Яхши ишламайди, ўчиб қолади. Нима бўлганига ҳайронман. Раис механикни юбораман деганига ҳам алламаҳал бўлди.

Вақт кутиб турмайди. Афсуски, колхоз раҳбарлари бу оддий ҳақиқатга тушунмаётганга ўхшайдилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БИЛАН

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг ўртоқ Ғ. Қодиров бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригада экишни тез ва сифатли ўтказиш учун зарур тайёргарлик кўрган. 60 гектар ерга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди, қолган ерларга эса 60х45 схемасида чигит экилди. Механизация асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Колхознинг бошқа бригадалари ҳам бу илғор бригададан ўрнак олиб, дала ишларини яна ҳам қизитиб юбордилар.

— Бу бригаданинг иши ҳақиқатан ҳам ҳаммага ўрнак бўлаяпти, — дейди агроном ўртоқ Азимов, — улар колхоздагина эмас, районда биринчи бўлиб экишни бошладилар. Пўлат Каримов бошлиқ экипаж аъзолари 5 гектарга яқин майдонга бир куннинг ўзидаёқ квадрат-уялаб чигит экдилар.

Райондаги Киров номли колхознинг пешқадам бригадалари ҳам хўжаликнинг ўтган йилги камчиликларидан сабоқ олиб, бу йил дала ишларини ташкил этишга катта эътибор бермоқдалар. Чигит экиш учун ажратилган 820 гектар ернинг деярли ҳаммаси сифатли тайёрланди. Ерни экишга тайёрлаш вақтида далага 5874 тонна гўнг ва 380 тонна фосфор чиқариб солинди.

Колхоз миришкорлари ернинг шароитини ҳисобга олиб, қаерга қайси схемада экиш фойдали эканлигини белгилаб чиқдилар. Жумладан, 570 гектар ерга чигит 60х30 схемасида, 250 гектар ерга эса 60×45 схемасида экилди.

Экиш вақтида 18 та сеялка ишлади.

З. МУРПУЛАТОВА,
А. ҚАЮМОВ.

КОМСОМОЛ РЕЙДИ

ШУ ҲАМ ЖАВОБМИ?

ЕРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ КЕРАК

Гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаган деҳқон, хирмоним баракали бўлади, деб дадил айта олади. Нега деганда агар ер исроф қилинмасагина карталарда мўлжалдаги кўчатни сақлаб қолиш мумкин.

Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси ўртоқ Н. Алимуҳамедов худди шу ҳақда йил бошидан бери кўп гапириб келди. Чигит ташланмаган бир қарич ҳам ер қолмасин, деб буйруқлар ҳам берди. Огизда гапириб, амалда ўз лабзининг уддасидан чиқиш учун курашилмагандан кейин қатор-қатор камчиликларга йўл қўйилаверар экан.

Биз колхознинг ўртоқ Мурод Зарипов бошлиқ бригадасида бўлдик. 61 гектар ернинг ҳар гектаридан 24.5 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз, деб аҳд қилган бу бригадада чигит экишнинг борини ва унинг сифати мутлақо талабга жавоб бера олмайди. Квадрат-уялаб чигит экилган 15 гектарлик картани текшириб кўрдик. Эссизгина сарф қилинган шунча меҳнат-у, чигит ва техника. Биронта эгатда чигит белгиланган уяга тушмаган. Квадратлар қинғир-қийшиқ.

— Пайқамай қолибмиз, — дейди бригада бошлиғи қизариб. — Универсалчилар ноқишибди, сифатига эътибор бердиримабди.

Шу ҳам жавобми? Наҳотки бригада бошлиғи экиш пайтида ишнинг тепасида турмаган бўлса. Карталар текширилиб, қаноат ҳосил қилиниб, сўнгра қабул қилиб олинганида эди, бундай камчиликларга йўл қўйилмаган бўлар эди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, квадратларнинг бузилаётганлигига биринчи навбатда трактор чилар иши устидан контроллик қилмаётган ўртоқ Зариповнинг ўзи жавобгардир.

Бу бригадада тўла гектарни таъминлаш учун ҳаракат қилинмаган. Марзалар, бурчаклар ҳайдалмай қолиб кетган. Колхознинг ўртоқ Бегали Алипов бошлиқ бригадасида паст-баландликлардан иборат бир гектарлик пахта майдони яхши текисланмаган. Кераксиз бўлгани ҳолда, бир неча ўн метрлаб ер чеккаси арава йўлига қолдирилган. Х. Маматқулов, А. Қамбаров ўртоқлар бошлиқ бригаларда ҳам пўстдумбага чиқарилган ерлар кўп.

Колхоз раиси ўртоқ Н. Алимуҳамедов, оғиз тўлдириб гапиришдан кўра амалий ишга ўтсангиз яхшироқ бўлар эди, бир неча гектар ер пахта майдонига қўшиларди. Ҳали ҳам кеч эмас. Агар юқори ҳосил етиштириш ниятингиз бўлса, дала айланинг, пўстдумбага чиқарилган ерларни ўз кўзингиз билан кўринг ва бу ерларни тезроқ экин майдонига қўшиш учун ҳаракат қилинг.

МЕХАНИЗАЦИЯНИ МЕНСИМАЁТГАНЛАР

Бу йил райондаги ўртоқ А. Митонов раҳбарлик қилаётган Ильич номли колхоз аъзолари 1200 гектар ернинг минг гектарига квадрат-уялаб чигит экишни планлаштирган эдилар. Афсуски, бу план хўжакўрсин учун экан. Бўлмаса ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб кўзбўямачилик қилишнинг нима кераги бор эди. Шу кунгача колхоз бўйича 200 гектар ерга янги усулда чигит ташланибди. Текис, яхлит карталарга оддий усулда чигит экиб юборилибди.

Колхоз раиси ўртоқ А. Митонов: «Бўш келмаймиз, ҳали вақт эрта, қолган карталарга квадрат қилиб экамиз», дейди. Ишни бошидан пухта қилмаган раҳбарнинг бундан кейин квадратга эътиборни кучайтиришига ишонч ҳосил қилиш қийин.

Колхозда техникадан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Учта сеялка ҳалигача универсалларга тиркалмаган. Бош инженер ўртоқ И. Морозов: «Ишлаётган сеялкалар билан ҳам экишни тез кунда тамомлаш мумкин». — дейди. Йўқ. Колхозда экиш суръати жуда паст. Сеялкаларнинг ҳаммасидан тўла ва унумли фойдаланиш керак.

Маълумки, аниқ квадратлар ҳосил қилиш ғўзани механизация билан яганалашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Колхоз раиси ўртоқ А. Митонов шуни ҳисобга олган ҳолда, асосий майдонларга квадрат-уялаб чигит экилишини таъминлаш тадбирларини кўриши лозим.

СУРЪАТ ҲАМ, СИФАТ ҲАМ ПАСТ

Ўз номи билан «Гигант» деб аталган колхозда ўтган йили гектаридан фақат 4,9 центнердан ҳосил етиштирилганлиги кўпчиликка аён. Районда юқори ҳосил етиштирган, ишнинг кўзини биладиган, асл деҳқонлардан чиққан бригада бошлиқлари «рекорд ҳосил» бўпти деб кулишди ҳам. Колхоз раҳбарлари (правление раиси М. Бобоев, бошлангич партия ташкилотининг секретари С. Нишонбоев ўртоқлар) ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олганлари йўқ. Бу камчиликлар нималардан иборат эди? Ерлар сифатли шудгор қилинмади. Чигит яхши текисланмаган ерларга пала-партиш экилди.

Бу йилчи? Шу кеча-кундузда далада бўлган киши экиш ниҳоятда сифатсиз ўтказилаётганлигини кўриб ранжийди. Ўртоқ С. Эдилов бошлиқ бригадада 50 гектар ер жуда ҳам саёз ҳайдалган. Яхши текисланмаган. Ахир шу ерга чигит экилса, маъқул бўладими?

Бригадада экиш суръати ниҳоятда паст. Етти кунда иккита сеялка билан 20 гектарга етар-етмас ерга чигит экилибди. Бу ҳам сифатли бўлса майли эди-я, квадрат тўғри чиқмаган, кўпгина уяда чигит кўмилмай, тупроқ юзасида қолиб кетган. Ахир бу билан қандай қилиб гектарларда кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мумкин?

Колхознинг қатор бригадаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Колхоз раиси ўртоқ М. Бобоев, бултурги ер чизиб қолинган дамларни ёдингиздан чиқарманг. Агар экиш ана шундай суст ва сифатсиз ўтказиладиган бўлса, сизнинг раҳбарлигингизда бу йил ҳам ер чизиб қолиниши турган гап!

Ж. МИРФАЁЗОВ,
Область комсомол комитетининг инструктори.
Н. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Сирдарё район комсомол комитетининг биринчи секретари.
Т. ДУСМАТОВ,
район «Қизил юлдуз» газетасининг ходими.
У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

(Студентларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш тажрибасидан)

<>

Ҳозирги вақтда ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш мамлакатимиз халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаб беришнинг бирдан-бир муҳим шарти бўлиб қолди. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг маъмуриятлари янги қонунни амалга ошириш борасида дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Техника олий ўқув юртлари ва Тошкент молия-иқтисод институтида Қонун асосида таълимни қайта қуриш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Биринчи курсларда ўқиётган студентларнинг ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш юзасидан маълум даражада ишлар қилинди. Ўрта Осиё политехника ва тўқимачилик институтларида бу масалалар илмий кенгаш мажлисларида, партия комитетларининг йиғилишларида ва факультетларда саноат корхоналари ходимларининг иштироки билан систематик равишда муҳокама қилиб борилди.

Молия-иқтисод институти I курсда ўқиётган студентлар учун ишлаб чиқариш кенгашлари ташкил этиб, яхши фаолият кўрсатди. Темир йўл транспорти инженерлари институти коллективи студентларнинг биринчи семестр давомида фақат биринчи сменада ишлашларига эришди. Студентларнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўқув программалари тузиб чиқилди. Бу программалар ўқув муддати бўйича корхоналар билан келишилган ҳолда тузилди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, республика Алоқа министрлиги, Тошкент темир йўли бошқармаси СССР Министрлар Советининг 1959 йил 4 августдаги қарорига мувофиқ студентларнинг ишлаб чиқариш таълими олиб бориладиган корхоналарни ўз вақтида белгилаб чиқдилар. Ишлаб чиқаришга ишчи малакасини эгаллаш учун юборилган 1-курс студентлари 4 ой давомида шогирд бўлиб ишладилар ва уларга институтларнинг стипендия фонди ҳисобига корхоналар томонидан ҳар ойда янги пул билан 30 сўмдан тўланди.

Кўпчилик студентлар 1960 йилнинг 1 январидан, яъни шогирдлик даври тамом бўлгач, мутухассисликка эга бўлдилар. Улардан кўпчилиги 5 ва 6-разрядли ишчилардир. Шу йўл билан 1310 киши ўзи хоҳлаган соҳа бўйича мутахассисликка эга бўлди. Бу ёшлардан 120 киши слесарь, 95 киши токарь, 46 киши фрезерчи, 62 киши электромонтёр ва электрик, 79 киши бетончи, дурадгор, гишт терувчи ва сувоқчи, 34 киши йигирувчи ва съёмкачи бўлиб етишди. 5 киши эса мастер ёрдамчиси бўлиб ишламоқда.

Корхоналарда студентларнинг ишлаб чиқариш таълимига раҳбарлик қилиш учун асосан малакали мутахассислар, мастерлар ажратилган. Ўқув-методик раҳбарлик эса олий ўқув юртларининг тегишли кафедраларидаги профессор ва ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Кўпгина саноат корхоналарининг раҳбарлари студентларнинг ишлаб чиқаришда меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиб бердилар, уларнинг касб эгаллашлари, нормал иш билан таъминланишлари учун ўз вақтида ғамхўрлик қилдилар. Масалан, «Таштекстильмаш» заводида план бўйича 57 киши ишлаб чиқаришда меҳнат қилиши лозим бўлгани ҳолда 61 киши ишлади. Улардан 56 студент Тошкент тўқимачилик институтидан ва 5 студент молия-иқтисод институтидан келган ёшлардир. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш топшириқларини ошиғи билан бажариб, ойига 80—90 сўмдан маош олдилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатида, Чирчиқ электр кимё комбинатида, Тошкент кўн комбинатида, «Узбексельмаш» заводи ва шаҳар телефон станциясида студентларнинг ишлаб чиқариш таълими яхши ташкил этилди.

Ўрта Осиё Политехника институтининг студентларидан Эшонқулов, Ражабов ва Мамаризаевлар «Чирчиксельмаш» заводида ишлаб, бу ердаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари бўлдилар. Студент Юғай цех комсомол ташкилотининг бюро аъзолигига сайланди. У ўқишда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам илғорлик намунасини кўрсатди.

Тўқимачилик институтининг студентларидан Ҳамроев, Шутқоров, Донец, Филлипов ва бошқалар «Таштекстильмаш» заводи 2- механика цехида ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришдилар. «Қизил тонг» фабрикасида ишлаган тўқимачилик институтининг студентлари Р. Салаева ва Н. Волковалар ҳақида ҳам ижобий фикрни айтиш мумкин. «Ташсельмаш» заводида слесарь бўлиб ишлаган студент Сайфиддинов (Политехника институти) кунига пахта териш машиналари учун 140 тадан рама ишлаб чиқаришга эришди. Кўпчилик студентлар корхоналарда бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали ишлаб чиқариш таълими соҳасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Янги ўқув йилининг бошланишига қадар студентларнинг ишлаб чиқариш таълими билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳал қилинмай қолди. Кўпчилик корхоналарда студентлар ўз мутахассисликлари бўйича таълим олмадилар. Ўрта Осиё Политехника институти энергетика факультетининг 84 студенти ишчи мутахассислигига эга бўлатуриб, Ташэнерго, ТашТЭЦ ва бошқа корхоналарда ўз вақтида иш билан таъминланмадилар. «Узбексельмаш» заводи раҳбарлари Политехника институтидан келган 25 студентни, ётоқхонада жой йўқ, деган баҳона билан қабул қилмадилар. Тошкент пиллакашлик фабрикасида студентлар махсус иш кийимлари билан таъминланмади.

Олий ўқув юртларининг дирекциялари ва факультетларнинг деканлари кўп ҳолларда студентларнинг ишлаб чиқариш таълимига раҳбарлик қилиш учун тажрибасиз ўқитувчиларни тайинлаганлар.

Ҳали ҳам институтлар билан ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасида етарли алоқа ўрнатилмаган. Бирталикда кечалар, мунозаралар ўтказиш, корхоналарда сатирик газеталар чиқариш, ишчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этиш, комсомол ташкилотларининг ўзаро алоқаси каби ишлар қониқарсиз олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси ўтган йили шаҳар олий ўқув юртлари студентлари ўртасида ишлаб чиқариш таълимининг аҳволи тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бюро техника олий ўқув юртлари томонидан мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қонун асосида таълимни қайта қуриш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамай, ҳали студентларнинг ишлаб чиқариш таълими соҳасида бир қатор жиддий камчиликлар борлигини ҳам қайд этди ва ишлаб чиқариш таълимини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар белгилади.

Ҳозирги вақтда шаҳардаги техника олий ўқув юртлари ва молия-иқтисод институтининг 2 мингдан ортиқ студенти корхоналарда муваффақият билан ишламоқда. Партия ва жамоат ташкилотларининг вазифаси шундан иборатки, улар биринчи навбатда студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар томонлама яхшилашлари, бу ишларнинг таъсирчан ва конкрет бўлишига эришишлари керак.

Шубҳа йўқки, шаҳар олий ўқув юртларининг партия, жамоат ташкилотлари ва профессор-ўқитувчилар коллективи студентларнинг ишлаб чиқариш таълимини янада яхшилаш учун бор кучларини аямайдилар, мамлакатимизда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракатига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

С. СОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар партия комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг инструктори.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ, 28 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

В. А. ЗОРИННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 апрель. (ТАСС). Кеча эрталаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Бош Ассамблея XV сессиясининг иккинчи қисмида қатнашувчи СССР делегациясининг бошлиғи В. А. Зорин матбуот конференцияси ўтказди.

Совет делегациясининг бошлиғи ўз баёнотида қуйидагиларни таъкидлади: Халқнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураши билан боғлиқ бўлган масалалар сессияда мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация асосида қараб чиқилди. Бу декларация Совет Иттифоқининг ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида қабул қилинган эди.

В. А Зорин эслатиб ўтдики, Бош Ассамблея миллий озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган қарорларнинг деярлик ҳаммасини мустамлакачи давлатларнинг қаршилигига қарамай, Бельгия, Португалия, Жанубий Африка Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан, АҚШнинг қарши овоз берганлигига қарамай, қабул қилди.

Совет делегати Бош Ассамблея Ангола халқининг Португалия мустамлакачиларига қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватловчи резолюция қабул қилди, деди.

В. А. Зорин Конго проблемаси сессиянинг ишида муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб айтдики, бу мамлакатдаги аҳвол ташвиш туғдирибгина қолмай, балки тобора ёмонлашмоқда. Афсуски, деди у, Бош Ассамблея Конгодаги аҳволнинг ҳақиқатан ҳам нормаллаштирилиши таъминламайдиган резолюция қабул қилди. СССР вакили мустамлакачи давлатларнинг ҳокимиятини бажаришга Хаммарьельд Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея томонидан илгари қабул қилинган қарорларнинг оқ-ҳарилишига ҳалақит бермоқда, деб уқтириб ўтди. Зорин сўзини давом эттириб айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конго проблемасини чиқиб ҳал этишга қодир эмаслиги, яъни бу проблемани Конго халқининг манфаатларини кўзлаб ҳал этолмаётганлиги бу ташкилотнинг халқаро миқёсдаги обрўсини кўтариш имконини бермайди, албатта. Конго проблемасини Конго халқининг ўзи ҳал этади. Конго халқи Конгонинг сиёсий мустақиллигини ва территориясининг бутунлигини сақлаб қолишни таъминлайдиган йўлларни қидириб топади.

Совет делегациясининг бошлиғи айтдики, Қўшма Штатларнинг Куба Республикасига қарши агрессияси тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш АҚШ уюштирган, қурол-яроғларнинг ҳамма турлари билан ва аниқмолар билан таъминлаган интервентларнинг қуролли шайкалари Куба соҳилларига туширилган бир пайтга тўғри келди. Зорин бундай деди: Ана шу агрессив ҳаракатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилишнинг асосий якуни шундан иборатки, АҚШ делегациясининг Куба Республикасига ва унинг революцион ҳукуматига нисбатан ҳиёнаткорлик сиёсатини ҳимоя қилиш ва оқлаш йўлидаги уринишлари барбод этилди. Қўшма Штатлар делегацияси Кубага қарши агрессив ҳаракатлар тўғрисидаги масалани Қўшма Штатларнинг назорати остида бўлган Америка давлатлари ташкилотига ҳавола қилишни кўзда тутган қарорни ўтказолмади. Шу нарса характерлики, Латин Америкасидаги баъзи мамлакатлар ҳам ана шу таклифга қарши овоз бердилар. Шундай қилиб, АҚШнинг Латин Америкаси мамлакатларига таалуқли масалаларни Қўшма Штатларнинг худди ички ишидек ҳисоблаш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ана шу қитъадаги мамлакатларни агрессорларнинг қасдидан ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш йўлидаги уринишлари барбод бўла бошлади.

Совет делегациясининг бошлиғи сўзини давом эттириб дедики, АҚШнинг муайян доиралари янги агрессив ҳаракатлар ёрдами билан Куба революциясини бўғиб ташлашга қаратилган ҳаракатларини яна такрорлаш ниятида эканликларини яширмаётирлар. Шу сабабли, Куба халқининг барча дўстлари доим шайланиб туришлари керак ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти АҚШнинг ҳаракатлари билан ана шу районда вужудга келтирилаётган ва тинчликка жиддий таҳдид қилаётган ҳавфга эътибор бериши керак.

Шу муносабат билан, В. А. Зорин Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг 22 апрелда АҚШ президенти Кеннедига юборган мактубини эслатиб ўтди. Давлатлар ўртасидаги ҳар қандай низоли масалалар, деди совет делегати, қурол кучи ишлатиш йўли билан эмас, балки тинч воситалар билан, тенг ҳуқуқлилик асосида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилиши лозим. АҚШ билан Куба ўртасидаги низоли масалаларни худди шу йўл билан ҳал этиш мумкин.

Зорин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариатини қайтадан ташкил этиш проблемаси муҳим проблема эканлигини ҳам таъкидлади. Совет Иттифоқи бу проблемани сессиянинг биринчи қисмидаёқ илгари сурган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, деди у, мустамлакачиларга ва империалистик агрессияга қарши қаратилган ва унча чакки бўлмаган қарорлари ҳам, башарти уларни амалга ошириш мамлакатларнинг муайян бир группаси манфаатларини ифода этувчи Хаммаршельдга топшириладиган бўлса, мақсадга эришолмаслиги тобора кўпроқ аён бўлиб қолди.

В. А. Зорин айтдики, сессия ўз ишига яна киришиш олдидан АҚШнинг бу сессиядаги сиёсати жиддий суратда ўзгаради, деб кутиш учун баъзи асослар бор эди. Маълумки, деди совет делегати, янги ҳукуматнинг вакиллари халқаро миқёсдаги баъзи масалалар юзасидан АҚШнинг аввалги сиёсатини қайтадан кўриб чиқишга ваъда берган эдилар. Афсуски, бу ваъдалар иш билан тасдиқланмаганлигини сессиянинг иши кўрсатиб берди. АҚШ делегацияси муҳим масалаларнинг кўпчилиги юзасидан янги йўл тутмади, кўпинча аввалгидек совуқ уруш позициясида туриб ҳаракат қилди, миллий озодлик ҳаракати масалаларида гарчи бирмунча найранг ишлатган бўлса ҳам, аслида мустамлакачи давлатларни қўллаб-қувватлади.

В. А. Зорин Бош Ассамблея XV сессиясининг иккинчи қисмида Венгрия ва Тибет масаласи деб аталган машъум масалаларнинг муҳокама қилинмаганлиги ижобий омилдир, деб таъкидлади. У айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг кўпчилиги Корея масаласини Корея Халқ Демократик Республикаси вакилларининг иштирокисиз муҳокама қилишга сессияни мажбур этиш йўлидаги уринишларга қарши чиқди.

Шу нарса муҳимки, деди СССР вакили, сессия ўз ишларини тамомлашга озгина вақт қолган бир пайтда, илм-фан соҳасидаги буюк жасорат—совет граждани Юрий Гагаринининг космосга учишини табриклаш учун навбатдаги масалаларни қараб чиқишни тўхтатиб қўйди. СССР вакили Совет Иттифоқи вакилати номига ўз табригини юборди, Юрий Гагаринни ва бутун совет халқининг бундан буён ҳам муваффақият қозонишини истагандликларини изҳор қилган барча америкаликларга самимий ташаккур билдирди.

Совет делегациясининг бошлиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 16-сессияси бошқа энг муҳим халқаро масалалар билан бир қаторда ёпасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш масаласини ҳам қараб чиқади, деб умид билдирди. Бу масалани қараб чиқиш АҚШ ҳукуматининг илтимосига кўра кечиктирилган эди. В. А. Зорин сўзининг охирида бундай деди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти масалаларни қараб чиқишга реалистик нуқтаи назардан қанча кўп қарайдиган бўлса, дунёда рўй бераётган янгиликни кўпроқ эътиборга оладиган бўлса, унинг бутун фаолияти шунча кўп самарали бўлади.

Шундан кейин СССР вакили мухбирларнинг кўп саволларига жавоб қайтарди.



Суратда: Р. Иноғомов (ўртада) комсомол ходимлар билан харидорларга намунали хизмат кўрсатиш ҳақида суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

БУ ЕРДА ФАҚАТ КОМСОМОЛЛАР ИШЛАЙДИ

Тошкент шаҳар комсомол комитети ташаббуси билан пойтахтимизда комсомол магазинлари ташкил қилинмоқда. «Таштекстильшвейобувторг» га қарашли Навоий кўчасидаги газмоллар билан савдо қилувчи 43-магазин яқинда ана шундай савдо тармоғига айлантирилди. Магазиннинг вивескаси тепасидаги комсомол значоги чўғдек порлаб турибди.

Ичкарида эса хушмуомала, чаққон, ғайратли йигит-қизлар савдо қилишяпти. Магазиндаги шойи, жун, ипак ва қанопдан тўқилган газмоллар ихлос билан, харидорларнинг кўзига яққол ташланадиган қилиб терилган. Ҳаммаб бўлимлар тепасида «Бу ерда фақат комсомоллар ишлайди» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Комсомоллар харидорлар талабини тўла қондириш, тез ва маданий савдо қилишда намуна кўрсатмоқдалар. Уларнинг ғайрати туфайли кун сайин магазинда савдо плани анча ошириб ado этилаётир.

Ипак ва жундан тўқилган газмоллар бўлимининг мудири К. Забуров, ип газмоллар бўлимининг мудири М. Тошпўлатов, сотувчилардан Т. Эрмўҳамедов, Ғ. Тўлаганов ўртоқлар магазинда ишлаш билан бирга, савдо институтининг 3—5 курсларида ўқиб, ўз малакаларини ҳам оширмоқдалар.

Шаҳар комсомол комитети бу магазинга раҳбарлик қилишни кўп йиллардан бери ўз вазифасини ҳалоллик билан ado этиб келаётган, олий маълумотли савдо ходими, коммунист ўртоқ Р. Иноғомовга ишониб топширди.

Магазиннинг ҳамма ходимлари «Комсомол магазини» деган шарафли номни оқлаш учун астойдил ишламоқдалар.

М. МИРЗАЕВ.

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

Улуғ аймё кунларида қариндош-уруғ, азиз дўст ва ҳамкасбларига табрик телеграммалари юборибб, уларга бахт, сиҳат-саломатлик, меҳнатда муваффақият тилаш совет кишиларининг яхши одатига айланиб қолган.

Баҳор байрами — 1 Май яқинлашиб келаётир. Шу кунларда пойтахтимиздаги алоқа бўлимлари ходимларининг иши, айниқса, қизғин. Ҳозир шаҳарда 80 тадан ортиқ почта бўлими ва 60 га яқин табрик телеграммалари қабул қиладиган кўчма пунктлар ишлаб турибди. Ҳозиргача мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан Тошкентга 60 мингга яқин табрик телеграммалари келди. Бу телеграммалар орасида Хитой, Вьетнам, Болгария, Чехословакия, Мўғулистон Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлардан келганлари ҳам бор.

Тошкентликлардан эса Иттифоқимизнинг турли жойлари ва қардош социалистик мамлакатларга юбориш учун 30 мингдан ортиқ табрик телеграммалари қабул қилинди.

Тошкентга бошқа жойлардан келган табрик телеграммалари эгаларига байрам кунлари тарқатилади. Бунинг учун 500 га яқин почтальон, 30 велосипед, 3 та автомашина ва 6 та мотоцикл ажратиб қўйилди.

ПАЗАНДАЛАР ХИЗМАТДА

Шу кунларда ҳаммаёқда байрам тараддуди. Пойтахтимизнинг умумий овқатланиш тармоқлари ходимлари ҳам байрам олдидан ва байрам кунлари меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан муҳим тадбирларни белгиладилар.

«Тошкент» ресторанида байрам столларини қандай безаш тўғрисида консультациялар уюштирилмоқда. «Октябрь» ва «Шарқ» ресторанлари, «Москва» кафеси, «Фарғона» автомат-закусқахонаси ҳам шу кунларда одамлар билан гавжум. Бу умумий овқатланиш тармоқларида байрамни уйда кутиб олувчилар учун меҳнаткашлардан заявкалар қабул қилинянти.

1 ва 2-Май кунлари Тошкентнинг барча маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва сайргоҳ жойлар, шаҳардаги барча ресторан, ошхона, кафе, чайнаялар ва уларнинг филиаллари, меҳнаткашлар хизматида бўлади.

Шу кунларда Тошкентдаги ҳамма йирик саноат корхоналарининг ошхоналарида байрамолди кунларида завод ва фабрикаларнинг ишчи-хизматчилари учун кулинария ва кондитер маҳсулотлари виставкаси ташкил қилишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Тошкентдаги 35 та корхона ошхонасида ана шундай виставка очилади.

Тўкин байрам бозорига марҳамат!

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси совет колхоз бозорларида аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни кўпайтириш тадбирларини белгилади. Шу кунларда шаҳардаги Олой, Марказий, Госпиталь, Бешёғоч, Киров, Сельмаш ва бошқа колхоз бозорларида байрам савдоси қизғин тус олган.

Бу бозорларда 1 Майгача 40 тонна товуқ гўшти, 75 тонна сут маҳсулоти, 50 тонна янги соғилган сут, 700 тонна картошка, 1300 тонна ҳар хил сабзавот маҳсулотлари, 250 тонна қуруқ ва хўл мева, 100 тонна гуруч, жуда кўп миқдорда тухум ва тузланган ёдринг, помидор сотилади. Бу маҳсулотларни Калинин районидаги Ленин номли, Карл Маркс номли, Сталин номли, «Октябрь», «Москва» ва Охунбобоев номли колхозлар, Оржоникидзе районидаги Ленин номли, Хрушчев номли, «Қизил Ўзбекистон», «Маданият», «Сталинград» ва Свердлов номли колхозлар бозорларга байрамгача мунтазам равишда келтириб турадилар.

Тўкин байрам бозорларига марҳамат!

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Югославия Федератив Халқ Республикаси ташқи ишлар бўйича давлат секретари К. Поповичнинг Москвага келиши тўғрисида

Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукумати ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ташқи ишлар министрлари К. Попович ва А. Громиконинг бир-бирларига визит билан боришлари тўғрисида келишдилар.

Шу муносабат билан Югославия Федератив Халқ Республикасининг ташқи ишлар бўйича давлат секретари Коча Попович шу йил май ойининг биринчи ярмида расмий визит билан СССРга келади.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

ЖАКАРТА, 26 апрель. (ТАСС). Индонезия ҳукуматининг министри, Индонезия олий консультатив кенгаши раисининг ўринбосари Руслан Абдулғани бугун самолётда Жакартадан Москвага жўнаб кетди. Аэродромда Абдулғани ва унинг ҳамроҳларини консультатив кенгашининг аъзолари, СССРнинг Индонезиядаги элчиси Н. А. Михайлов узатиб қолдилар.

Министр Абдулғани ТАСС мухбирининг саволларига жавоб бериб, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ўтган йили февраль ойида Индонезия республикасига визит билан келганида ўзининг Совет Иттифоқига келишга таклиф қилинганлигини айтди. Бу менинг Москвага қилаётган иккинчи визитимдир, деди у. Шу визитим вақтида мен Совет Иттифоқининг қурилиш соҳасида — иқтисоди қурилиш соҳасида ҳам, ўз фанини ривожлантириш соҳасида ҳам қўлга киритган муваффақиятлари билан танишиш ниятидаман. Мен бу визитдан, деб уқтириб ўтди Абдулғани, СССР ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш ниятидаман.

СССРга қилинган визитдан кейин Абдулғани Руминия ва Венгрияга ҳам бориш ниятидадир.

ИСЁНЧИЛАР ТАСЛИМ БЎЛДИЛАР

ПАРИЖ, 26 апрель. (ТАСС). Шаль, Салан, Зеллер ва Жуолардан иборат бир группа генераллар 22 апрелда Жазоирда бошлаган ҳарбий фашист исён шармандали суратда барбод бўлди. Ўзларининг жинояткорона авантюраси қўллаб-қувватланмаганлигини кўриб, исёнбошлиқлари 26 апрелга ўтар кечаси таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Жазоирнинг исён ичида қолган районларида, жумладан, Жазоир, Оран ва Константина департаментларида Франция ҳукуматининг контроли тикланди.

Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати билан музокаралар олиб борилишини қурол кучи билан барбод қилишга ва Францияни мустамлакачилик урушини давом эттиришга мажбур қилишга уринган ҳарбий фашист исёнчиларнинг мағлубиятга учрашида Франция ишчилар синфи ва халқ оммаси ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Француз халқи: «Фашизмингиз бизга кетмайди!» деган шиор остида республикани ҳимоя қилишга қатъий отланиб, оммавий митинглар, забастовкалар ва намойишлар билан ультрамустамлакачиларнинг авантюрасини барбод қилди.

Ўтган йил январь ойида Лагайярд ва унинг шериклари Жазоирдаги исёни вақтида бўлганидек ҳозир ҳам 12 миллион кишилик умумий забастовкаларнинг кучли тўлқини бутун мамлакатга ёйилди. Бутун Франсида фашизмга қарши ҳушёрлик комитетлари пайдо бўлди, турли сиёсий маслакдаги кишилар шу комитетларга бирлашди. Парижнинг ёлғиз ўзидагина 112 та ана шундай комитет тузилди. Париж атрофидаги ишчилар яшайдиган жойларда, унинг машҳур «Қизил доираси», шунингдек мамлакатнинг бошқа саноат марказларида ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари ташкил этилиб, улар ҳукуматдан қурол олмаган бўлсалар ҳам, республикани охиригача ҳимоя қилишга тайёр эдилар...

Пайдо бўлган хавфга қарши Франция меҳнаткашларини сафарбар қилиш ва жипслаштиришда Франция Коммунистик партияси, Умумий меҳнат конфедерацияси ва бошқа демократик ташкилотлар актив роль ўйнадилар.

Генералларнинг ҳарбий исёни вақтида Жазоирдаги мустамлакачилик уруши билан фашизм хавфи ўртасидаги боғланиш айниқса равшан намоён бўлди. Шунинг учун ҳам: «Фашизмга ўта олмайди!», «Жазоирдаги исён қатъий равишда бостирилсин!» деган шиорлар шу кунларда француз халқи кенг оммасининг Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати билан дарҳол музокаралар бошлаш йўли билан Жазоирдаги урушга хотима бериш тўғрисидаги қатъий талаблари билан маҳкам боғланган эди.

Франциянинг демократик жамоатчилиги ультрамустамлакачиларнинг Францияни жиддий ларзалар ёқасига келтириб қўйган бу навбатдаги исёни Жазоирда етти йилдан бери давом эттирилаётган мустамлакачилик урушининг мантиқий оқибати, шунингдек, ультрамустамлакачиларнинг ҳуружларига ҳукумат маъмурларининг йўл қўйиши натижаси бўлди, деб ҳисобламоқда.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
4-БЕТ, 28 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„ОШХОНАДАГИ ЭГРИ ҚЎЛЛАР"

Газетамизнинг шу йил 28 март сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган рейд бригада материалида Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 27-ошхона ходимларининг бир қатор ғайри-қонуний ишлари очиб ташланган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Л. Аллахвердовнинг редакцияга маълум қилишича, мақолада келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган.

Ошхона мудири М. Л. Березовский совет савдоси қоидаларининг қўпол бузилишига очиқдан-очиқ йўл йўғлани учун бундан буён умумий овқатланиш системасида раҳбарлик вазифаларида ишламаслиги шарти билан вазифасидан бўшатилган.

Бригадир-повар В. Погорельский ва унинг кўмакдоши-лотоқчи М. Барановалар давлат ва халқ ҳақига хиёнат қилганликлари ҳамда масъулиятли вазифаларда ишлашга ишончни йўқотганликлари учун вазифаларидан бўшатилдилар.

Ошпазлардан Байкова, Усольцев ва Лапидусларга нисбатан ҳам маъмурий чора кўрилган.

Мақола трест ходимларининг ишлаб чиқариш кенгашида кенг муҳокама қилинган ва ишни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар белгиланган.

«ҒУЛОМ БОЙВАЧЧА»

Газетамизнинг шу йил 2 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан фельетон босилиб, унда Бўстонлиқ районидаги Ленин номли колхознинг омборчиси Ғулом Ашрапов нинг колхоз мулкига хиёнат қилаётгани фош қилинган эди.

Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Асилбековнинг редакцияга маълум қилишича, фельетонда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Текшириш натижалари колхознинг правление мажлисида муҳокама қилиниб, Ғ. Ашрапов вазифасидан олиб ташланган ва ишни жиноий жавобгарликка тортиш учун тергов органларига ҳавола қилинган.

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг биринчи участкаси меҳнаткашлари редакцияга хат ёзиб, хонадонларни электр чироқлари билан таъминлаш учун бундан 3—4 йил олдин келтирилган электр мотори қаровсиз ҳолда ишлаб қўйилгани, электр ёнмаганлиги сабабли колхозчилар радио эшитишдан маҳрум бўлаётганликларидан шикоят қилган эдилар.

Сирдарё район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Нурмуҳамедованинг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланган.

Колхознинг биринчи участка хонадонлари электр билан таъмин этилган.

Ёшлар культура ва спорти

ТАЛЬ-БОТВИННИК РЕВАНШ МАТЧИ

Москва, 26 апрель. (ТАСС). Гроссмейстерлар Таль ва Ботвинник жаҳон биринчилиги учун реванш матчининг 16-партиясини дуранг қилишга розн бўлганликларини бугун маълум қилдилар. Ҳисоб М. Ботвинник фойдасига 10,5:5,5 бўлди.

* * *

26 апрелда ўйналаши лозим бўлган 17-партия Талнинг бетоблиги сабабли кечиктирилди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси мамлакат биринчилигининг навбатдаги мусобақасини Ереванда «Спартак» командаси билан ўтказди. Учрашувнинг биринчи минутидаёқ ҳисоб майдон эгалари фойдасига 1:0 бўлди. Спартакчи Арутунян тепган тўп Суюновнинг оёғига урилиб тошкентликлар дарвозасига кирди. «Пахтакор» ҳисобни тенглаштириш учун ҳужумга ўтди. Лекин тошкентликларнинг ҳамма комбинацияларини «Спартак» ҳимоячилари бартараф қилиб турдилар. Ўйиннинг 25-минутида «Пахтакор» дарвозасига иккинчи тўп киритилди. Яна 8 минутдан кейин эса Оганесян ҳисобни 3:0 га етказди.

Иккинчи таймнинг 6-минутида Бегларяннинг қаттиқ зарб билан тепган тўпи яна дарвозага кирди. Шундан сўнг тошкентликлар бутун команда билан ҳужумга ўтадилар ва 17-минутда Морозов биринчи жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлади. Матч тамом бўлишига икки минут қолганда Морозов майдон эгаларининг дарвозасига иккинчи марта тўп уриб киритади. Ўйин 4:2 ҳисоби билан спартакчилар фойдасига ҳал бўлди.

Ўша куни мамлакатнинг яна 8 та шаҳрида «А» класс командаларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакат чемпиони — торпедочилар Москвада «Нефтяник» билан мусобақалашдилар. Ўйин 3:2 ҳисоби билан чемпион фойдасига ҳал бўлди. Чемпионатнинг пешқадами — Тбилисининг «Динамо» командаси Ростов-Донда мағлубиятга учради: маҳаллий армия спортчилари грузин футболчиларини 3:1 ҳисоби билан ютди. «Молдова» ўз майдонида 1:2 ҳисоби билан Москва «Динамо» командасига ютқазди. Киевдаги ўйинда майдон эгалари катта ҳисоб (6:1) билан «Калев» устидан ғалаба қозонди. Армия марказий спорт клуби командасининг Олмаотадаги «Қайрат» футболчилари билан учрашуви 1:1 ҳисоби билан дуранг бўлди.

Ўтган тўрт турдан сўнг биринчи группада Ростов-Дон армиячилари, иккинчи группада эса Киев динамочилари олдинги ўринга чиқиб олдилар.

Телевизор экранида

28 АПРЕЛДА

19.00. «Истиқбол эгалари» тележурнали.

19.55. Сўнгги ахборот.

20.15. «Мулланинг саргузаштлари» — Озарбайжон кинофильми.

20.25. «Меҳнат совғалари» — саноат ходимлари учун.

20.50. «Очилган қўриқда» — ҳужжатли фильм.

21.10. Киножурнал ва «Тугалланмаган қисса» бадиий фильми.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 30 апрелда чиқади).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Концерт**, 29/IV да **Шахризода, Штраусиана, Болеро** (28 ва 29/IV га билетлар сотилган). 30/IV да эрталаб **Доктор Айболит**, кечқурун **Сўна** (билетлар сотилган).

1, 2/V да кундуз ва кечқурун **Катта байрам концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Гамлет**, 29/IV да **Ҳамза**, 30/IV да эрталаб **Ҳамза**, кечқурун **Олма гуллаганда**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Ватан ишқи.**

1, 2/V кундуз соат 4 да (қишки бинода), 1, 2/V кечқурун (ёзги бинода) — **Байрам концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28, 29, 30/IV кеч соат 8 да **Концертлар.**

1, 2/V да кечқурун **Катта байрам концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 29, 30/IV да кечқурун, 1, 2/V да кундуз ва кечқурун **Байрам эстрада концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан 2/V гача **Арслонлар аттракциони.** Арслонларни ўргатувчи **В. Борисов** гастролининг сўнгги кунлари.

30/IV, 1, 2/V да кундуз ва кечқурун **Катта байрам тамошалари.** Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг

ТОШКЕНТ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ТРЕСТИ

шаҳар автобусларида юриш учун

ОЙЛИК БИЛЕТЛАР СОТАДИ

Йўл ҳақи 5 тийин бўлган ва шаҳар ичида қатнайдиган автобусларда юриш учун ойлик билет — 4 сўм 50 тийин.

Йўл ҳақи 5 ва 10 тийин бўлган шаҳар автобусларида гражданлар учун ойлик билет — 7 сўм, ташкилотлар учун — 7 сўм 50 тийин.

Умумий таълим мактаблари, ФЗО мактаблари ва ҳунар билим юртлари ўқувчилари учун ҳамма шаҳар автобусларида (мактаблар заявкасига мувофиқ) ойлик билет — 1 сўм 50 тийин (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар бу ҳисобга кирмайди).

Ойлик билетлар ҳар ойнинг 24-кунидан бошлаб келгуси ой учун диспетчерлик пунктларида, кондукторлар томонидан, кондукторсиз автобусларнинг ҳайдовчилари томонидан, шунингдек соат 9 дан 17 гача 1-автобус парки кассасида (Луначарский шоссе, 50-уй) ва 3-автобус парки кассасида (Қорасарой кўчаси, Чангалзор мавзуи проезд, 57-уй) сотилади.

Эслатма. Ойлик билетлар шаҳар орқали ўтувчи қуйидаги шаҳар атроф автобусларида юриш учун ярамайди:

№ 2 — «Олой бозори» — «Селекция станцияси».

№ 33 — «Беруний майдони» — «XX партсъезд колхози».

№ 44 — «Комсомол майдони» — «Минводи».

№ 29 — «Комсомол майдони» — «Ҳасанбой».

№ 30 — «Беруний майдони» — «Радиостанция».

№ 27 — «Текстилькомбинат» — «Ўзгариш».

Пассажирлар ташиш шаҳар трести.

Тошкент шаҳар, Таштекстильмаш кўчаси, 89-уйда турувчи **Дамира Зигануровна Низамутдиновнинг** Кемеровск область, Юрга шаҳар, Шоссейная кўчаси, 74-уйда турувчи Абузар Тахович Низамутдиновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, «XXI партсъезд» совхозининг 3-бригадасида турувчи **Ҳалима Сурмановнинг** Қўйлиқ қишлоқ, Қўйлиқ кўчаси, 48-уйда турувчи Тошпўлат Сурмановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00851. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1585.